

ЭРАЗМУС ПЛЮС ДАСТУРИНИНГ “МАРКАЗИЙ ОСИЁДА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ: ФАЗОВИЙ УСУЛЛАР ОРҚАЛИ ТАБИЙ ОФАТЛАРНИ БОШҚАРИШ” ЛОЙИХАСИ

**Али Мансоуриан, Лунд университети (Швеция),
Матчанов М.Ж., Урганч давлат университети.
Абдиреймов С.Ж. Қорақалпоқ Давлат университети.**

Бугунга қадар Марказий Осиё давлатлари ҳудудида кўплаб табиий офатлар содир бўлган ва улар шу регонда катта миқдордаги ижтимоий-иқтисодий йўқотишларга олиб келган. Буларларга қурғоқчилик, сув тошқинлари, сурилмалар, сел оқими, zilзила, ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши ва ҳ.к.ларни мисол қилиш мумкин. Жахон Банки, Бирлашган Миллатларнинг Табиий Офатларни Камайтириш бўйича Халқаро Стратегияси, Марказий Осиё Регионал Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотининг маълумотларига кўра охириги 10 йилликда Ўзбекистон ва Қирғизистонда табиий офатлар билан боғлиқ иқтисодий зарар мос равишда 290 ва 220 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий офатларни бошқариш ҳамда салбий таъсирини камайтиришда ГАТни ўз ичига олувчи Фазовий тадқиқот усуллари ва технологиялари, Масофадан маълумотлар олиш, Фазовий маълумотлар инфраструктураси катта амалий имкониятларга эга деб топилган. Ушбу лойиҳанинг мақсади Марказий Осиёда фазовий тадқиқот усуллари ва географик ахборот технологияларини (ФТУ/ГАТ) қўллаш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий офатларни бошқариш ҳамда салбий таъсирини камайтириш бўйича илмий-амалий салоҳиятни ошириш ҳисобланади. Лойиҳанинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий офатларни бошқариш ҳамда салбий таъсирини камайтиришга (АММ/ТОБ-СТК) қаратилган ФТУ/ГАТга асосланган инновацион ўқув курсларини ишлаб чиқиш. Ўқув курслари ҳамкор университет ва ташкилотларда шу соҳадаги тажриба ва билимларни ошириш мақсадида ўқитилади. Курсларни ўзлаштирган талабалар АММ/ТОБ-СТК бўйича мутахассис бўлиб, ҳамкор ва махсус

йўналишдаги ташкилотларда ишлаш имкони яратилади.

2. Тренерларни тайёрлаш: Регионал ҳамкор олий таълим муассасаларининг (РХ/ОТМ) тегишли факультетларидаги профессор-ўқитувчилар ўқув курсларини ўқитиш бўйича тренингларда қатнашадилар.

- Таълим сифат-самарадорлигини ошириш: Масофавий таълим технологиялари педагогик йўналишда ўзининг бир қанча афзалликларига эга. Шу сабабли РХ/ОТМлари маъсофавий таълимга мўлжалланган лабораториялар билан жихозланади.

3. Электрон дастур ишлаб чиқиш: АММ/ТОБ-СТК учун Интернет Асосли Бошқарув Тизимини (ИАБТ) яратиш ва амалиётга татбиқ этиш. Бундан кўзланган мақсад ҳамкор ва тегишли ташкилотларда ГАТ орқали маълумотларни тўплаш, сақлаш, таҳлил қилиш ва қарорлар қабул қилишга эришишдир.

4. Натижаларни оммалаштириш: Бу орқали АММ/ТОБ-СТК бўйича иш олиб борадиган, режалаштириш, бошқариш ва қарор қабул қилувчи давлат органлари ФТУ/ГАТ имкониятлари, уларнинг афзалликлари билан танишадилар ҳамда мамлакатларидаги шу билан боғлиқ муаммоларни бартараф қиладилар, олдини оладилар.

5. Жамият тараққиётида ОТМларининг аҳамиятини ошириш: Ўзбекистон ва Қирғизистонда ОТМлар-Давлат-Ишлаб чиқариш ҳамкорлигини янада ошириш зарур. Бу орқали талабаларни иш билан таъминлашга эришилади, жамият ҳаётидаги муаммолар ечими топилади ҳамда турмуш тарзи енгиллашади. Бунинг учун ўқув курслари ҳамкор ташкилотлар, давлат органлари ва жамият талаблари бўйича шакллантирилади.

Лойиҳадан кутилаётган асосий натижалар куйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон ва Қирғизистонда таълим сифат-самарадорлигининг ошиши (ФТУ/ГАТ га асосланган АММ/ТОБ-СТК бўйича инновацион ўқув курслари мисолида).

2. Университет ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳамкорлиги,

битказувчиларнинг иш билан таъминланиши.

3. Марказий Осиёда АММ/ТОБ-СТК жараёнининг янада яхшиланиши.

4. Халқаро ҳамкорлик.

Марказий Осиёда ароф-муҳитни муҳофаза қилиш: фазовий усуллар орқали табиий офатларни бошқариш лойиҳасининг асосий ҳамкорлари Лунд университети, Швеция, Афина Миллий Техника университети, Греция, Гедиминас номидаги Вильнюс Техника университети, Литва, Минью университет, Португалия, УрДУ, Ўзбекистон, И.Арабаев номидаги Қирғиз Давлат университети, Қирғизистон, Ўш Давлат университети, Қирғизистон, Бердак номидаги Қорақалпоқ Давлат университети, Ўзбекистон. Шу билан бирга лойиҳа натижаларидан фойдаланувчи ташкилотлар каторига қуйидагилар кириди: Қирғизистон Республикаси Фавқулодда Вазиятлар Вазирлиги қошидаги Гидрометеорология Давлат Қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда Вазиятлар Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва Аҳолини Ижтимоий Муҳофаза Қилиш Вазирлиги, Қирғизистон Республикаси Таълим ва Фан Вазирлиги, Масофадан маълумотлар олиш ва ГАТ технологиялари маркази, Ўзбекистон, Марказий Осиё Ер ҳақидаги Амалий Билимлар Итститутути, Қирғизистон. Бугунги кунда лойиҳа юзасидан модул тизимига киритилаётган қуйидаги ўқув материаллари тайёрланмоқда: 1.Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда масофадан маълумотлар олиш ва ГАТ технологиялари, Табиий офатлар рискени камайтиришда масофадан маълумотлар олиш ва ГАТ технологиялари, Фазовий маълумотлар инфраструктураси. Курс материаллари инглиз тилида тайёрланади ва лойиҳанинг интернет манзилига: www.eu-ersa.eu қўйилади, ҳамда ўзбек, қорақалпоқ, қирғиз тилларига таржима қилиниши режалаштирилган. Ушбу лойиҳанинг натижалари сифатида мамлакатимизда тегишли соҳа мутахассисларининг шу йўналишдаги малакасини ошириши кўзда тутилмоқда.